

Айтмокчи бўлган муроҳазам матбуот нашрлари оркали кайта-кайта тилга олинган, аммо хануз ечимини томолмаётган муаммолар каторига кирса-да, биз ички бир саркашлиқ билан шу мавзуга яна кайтишни ихтиёр килдик. Гап эстрада кўшиклариға ишланаётган клиплар хакида.

Агар клип дид билан ишланса, у санъаткорга муваффакият келтиради, томошабинга хам маъкул келади. Бу борада Луначарский ҳак: «Овозисиз тасвир — тасвирсиз овоз колдирадиган таассуротдан анча кучли». Лекин клипмейкер деб аталувчи янги касб эгалари яратётган кўплаб клипларнинг, кадрларнинг сифат даражаси бу соҳага хам жиддий муносабатда бўлишимизни такозо этади.

Эътироф этиш керакки, бугунги миллий кўшиклиқ санъатимизда муваффакиятлар етарли, бу соҳага бўлган эътибор тобора ошиб бораётгани баробарида, турли кўрик-танловларда янги-янги овоз соҳиблари кашф этилмокда. Бу холатни мухлислару мутахассисларга бирдай тушунарли клиплардагина эмас, миллий санъатимизга якинда кириб келган анимацион клипларда хам кўриш мумкинки, бир хиллик ва тақорорийликдан чарчаган томошабин, тингловчи уларни янгилик сифатида осон кабул килмокда.

Эндиликда реал хаётда тасвирга туширишнинг иложи бўлмаган сюрреалистик кадрларни хам бемалол яратиш имкони бор. Мутахассисларнинг фикрича, бундай клипларнинг таъсирчанлик даражаси нисбатан юкори. Гап бу имкониятлардан нечогли самарали ва максадга мувофик фойдаланишимизда колди, холос.

Шу кунларда телеэкранларимизда намойиш этилаётган бир кўшикка ишланган анимацион клипни томоша килдим. Тўгрисини айтганда, мазкур клипда максадли гоя хам, сюжет изчиллиги хам йўқ. Воеалар кайси замон ва маконда содир бўлаётганлигини англashing кийин. Бу клипни томоша килиш жараёнида устозимизнинг ўгитларидан бири ёдимга тушди: «Сизлар ёзиб келаётган сценарийларда фикр бор, аммо яхлит бир гоя йўқ. Гоя бўлиши учун эса гоя ва сюжет ўртасидан бир «ип» ўтказиш лозим...». Юкорида тилга олган клипда на «ип» бор, на мантикий иллюстрация.

Шахсан мен санъатга кизикувчи бир журналист сифатида замонавий ўзбек эстрадаси ютуклари тўгрисида фахрланиб ёзишни истайман. Лекин кўлингга калам олишинг билан тўхтаб коласан. Чунки Аноранинг «Хаёт» номли ашуласини кузатганимизда хам ана шундай муаммолардан холи эмаслигига гувоҳ бўлиш мумкин. Мавзу такозосига кўра жиддий матн танланган. Лекин тасвир билан сўз мослигига келсак... Клип фонида кандайдир рамзий ишоралар бор. Аммо режиссёр махорати «курук» тасвир билан чекланиб колган. Шунингдек, Бехзод ижросидаги «Сен ўзинг» дея куйланган кўшикни тинглаш мумкин, аммо уни ютук деб атash кийин. О.Муталхўжаев ва Н.Усмонова ижросидаги дуэт-клипда хонандалар ижро чоги ўзларини кандай тутаётганларига гувоҳ бўлганингда, Ойбек ва Нигоранинг «Югураман», «100%» гурухининг «Каттан шунча махорат», Жасур Умировнинг «Бўлса бўлсин» кўшигини тинглаганингда, тўгриси, кўлингдан калам тушиб кетади. Яна бошка кўплаб клипларда, менинг назаримда, ижрочилар кўшик куйлашдан кўра нарцизм — ўзига ўзи маҳлиё бўлиб, кўз-кўз килишга кўпроқ эътибор берадилар. Замонавий ибора билан айтганда, космополитизм — оммавий маданиятнинг кусури тўгрисида хам ижобий фикр юритиш кийин. Ахир, миллий колорит, рух, одоб-андиша каерда колди?

Якинда бу ёруг оламни тарк этган «поп мусикаси кироли» Майкл Жексоннинг дунёни экологик халокатдан куткариш тўгрисидаги бир клипини кўпчилигимиз кўрганмиз. Унда

сўз билан биргаликда умуминсоний — универсум гоя мутаносиб равишда талкин этилган. Кадрлар алмашинуви goх модернистик шахарларга, goх цивилизациядан четда яшаётган кабилалар истикоматгохига ўзгаради. Турли миллат вакилларининг турмуш тарзи, турли холатлари кўз ўнгимиздан ўтади. Кадрда экологик инкиrozдан азият чекаётган минглаб жониворлар кўринади. Мавзу такозосига кўра хулоса чикариш мумкинки, «Help me calling heal the world» («Дунёни халокатдан саклаб колиш учун менинг даъватимга кўшилинг») ашуласида инсоният ўз фожеасини ўзи яратаетганлиги хакидаги хитоб бор. Кўшикнинг фавкулодда таъсирчанлигини нафакат ижрочининг овозиу матн мазмуни, балки унга ишланган клип хам таъминлаган.

Албатта, мен хакикий санъат кандай бўлишию, бунга кандай эришиш мумкинлиги тўгрисида кимгadir сабок бермокчи эмасман. Лекин бир гапни ошкора айтишга мажбурман — телеэкранда намойиш этилаётган кўплаб клипларнинг оғрикли нуктаси — гоясизлик. Хакикий санъат асари, у бадиий китоб, картина ёки мусикий клип бўладими, бундан катъи назар, томошабинга эстетик завк багишлаб, уни бадиий дидга бошлиши керак. Гоясизлик эса бу интилишни чиппакка чикаради. Бу ожизликка яна сахнада факат ўзини намойиш килиш кўшилса, муаммо жиддийлашади. Эътибор берайлик — файласуфлардан бири куйидагиларни ёзиб колдирган: «Ўзига итоат эттирмокчи бўлган гояни хаёт олдин сукуту хайрат билан карши олади, кейин сабру токат билан кузатиб туради, охирида эса қахру газаб билан ўз кўйнидан юлиб ташлайди».

Устоз журналистлардан бири кайта-кайта такрорлайди: «Персонажнинг бошига дўппи кийдириб, белини белбог билан бøлаган билан у ўзбек бўлиб колмайди. Миллийлик унинг рухида, юз ифодасида, гап-сўзида, кўйингчи, жон-конида бўлиши керак. Яъни хатти-харакатлар ёки ўзаро муносабатлар миллийлик инъикоси сифатида намоён бўлади. Санъатшунос мутахассислар эса калб оркали англанмаган, хиссий билишнинг юкори чўккисига чика олмайдиган санъатни санъат деб баҳоламайдилар.

Муаммонинг сабаблари тафтиш килинганда баъзилар яхши клип яхши матн бўлгандагина яратилади, дейишади. Бу фикрга кўшилиб бўлмайди. Яхши матн хам, яхши ижодкор хам бор. Гап бадиий дидда.

Санъатнинг вазифаси — инсонни комиллик сари ундаш. Шундай экан, дидсизликни таргib килишни хеч бир сабаб билан оклаб бўлмайди.

Шоҳсанам Хидирова